БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, ВАТАНДОШЛАР!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 8 декабрь душанба.
Сотувда эркин нархда. № 248 (1765)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ ҚАТЪИЙ ҲИСОБГА ОЛИНСИН

Вазирлар Маҳкамасида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони назорат инспекцияси томонидан ўтказилган текшириш материаллари бўйича 1997 йилда мамлакатда табиий газ, нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Комиссия кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларига айрим раҳбарларнинг эътибори сусайганини таъкидлади. Табиий газ ва бошқа энергия манбаларини ҳисобга олишни ташкил этиш, энергиядан самарали фойдаланиш тадбирларини пухта ишлаб чиқиш ва бажариш юзасидан қабул қилинган қарорлар тўла-тўкис бажарилмаяпти. Нефть маҳсулотларини исроф қилиш, талон-тарож этиш ҳоллари аниқланди.

(Давоми 3-бетда)

ШАЙЛАНАДИ ШИЛЛАРИ СОАТ

ЯКШАНБА: ЁРУҒ САТРЛАР

АЛЛО, «ХАЛҚ СЎЗИ»МИ?

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ:

Кечки пайт. Тунги таҳририят телефони жиринглайди. Алоқачи бизни Марғилон шаҳри билан улайди.

— Мен Неъматжон Нуриддинов бўламан. Эл хизматидаги оддий ошпазман. Баҳоуддин Нақшбандий кўчасидаги 54-уйда яшайман. Унчалик гапга уста эмасман, лекин кўнглимдагини айтаман.

— Эшитамиз, ака.

— Ҳозиргина Президентимизнинг Конституция куни муносабати билан телевизор орқали айтган гапларини эшитиб юрагим тоғдай кўтарилди. Биласизми, ҳар биримизнинг қадр-қимматимиз, ор-номусимиз ҳимоясч, одамлар орасида меҳр-муҳаббатни улуғланишининг ўзи инсонпарвар сиёсатдир. Айниқса, юртбошимиз келаётган йилимизни Оила йили деб атадилар. Жудаям тўғри. Ҳар биримиз болаларимиз келажаги, оиламиз тинчлиги учун қайғуриб яшаймиз. Ўзбек доимо топганини болаларининг тўйига сарфлайди, яхши кунларига атайди... Фарзандим одам бўлсин, элнинг олдида юзимни ёруғ қилсин, юртига муносиб инсон бўлсин дейди. Қон-қонимизга сингиган буюк фазилатлар қадрланаётган Ватанда яшаётганимни англаяпман.

Оиласи тинч, халқи осойиш яшаётган Ватан обод бўлади, иншооллоҳ.

ИККИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ:

— Гулистон Давлат университетининг профессори Анқабой ҚУЛЖОНОВман.

— Бемалол, сўзлайверинг домла.

— ЎзТВ орқали кузатдим. Бир гуруҳ илғор юртдошларимиз мукофотлар билан тақдирланишди. Мукофотлаш жараёнида турли хил соҳалар заҳматкашларини Президентимиз қадрдон билиб, бағрларига босиб, «елкадошларим, юртдошларим, ҳамфикр маслакдошларим», деб чуқур самимият изҳор қилганлигини бутун мамлакат кўриб турди. Ушбу ҳаяжонли лаҳзалардан сўнг Давлатимиз бошлиғи Ислом Каримов ватандошларимизни тўлқинлантирадиган ажойиб, чуқур маъноли ва бағоят гўзал маруза қилдилар. У киши: «Биз танлаган йўл — халқ йўли, ҳақ ва ҳақиқат йўли», — дедилар. Чиндан ҳам Ўзбекистонни жаҳонга олиб чиққан, ривожланиш поғоналаридан юксаклик сари кўтараётган бу йўлни бошқача аташ мумкин эмас. Унинг янада ёруғ ва чароғон бўлиши, дунёга нур таратиб туриши учун ҳар биримиз ҳалол ва баракали меҳнат қилишимиз керак. Фақат меҳнатгина ерни, элни, Ватанни кўкартиради.

УЧИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ:

— Алло, газетами?

— Худди шундай

— Айланай болам. Хушхабарларингдан ўргилайин, болажонларим.

— Кечирасиз, онажон, ўзингизни таништиринг.

— Мен Фотима буви Иброҳим қизи. 70 ёшдаман. Тошкент шаҳри Қора-қамиш даҳасидан қўнғироқ қилаяпман.

— ...

— Болажоним, уйимизда бугун тўй... Ҳамма қариндошлар йиғилишган. Худо умрини узоқ қилгур Ислом Каримовнинг Фармонлари чиқибди...

— Қайсинисини айтаяпсиз?

— Амнистия тўғрисидаги-да, болам. Фарзандим эҳтиётсизлик билан ножўя иш қилиб қўйганди. Ўзи афғон урушида қатнашган. Ҳаёт экан-да энди... Хатосини тушуниб етди. Бугун изидан борсам, эрта-индин чиқиб қолади, дейишди.

Олти ойдан бери норасида неварамнинг саволлари юрак-бағримни эзиб келаётувди. Ҳукуматдан, Президентимиздан бир умр миннатдорман. Мендай бир аёлга қилган яхшиликлари учун Худо ёрлақасин. Илоё, фарзандларининг яхшилигини кўрсинлар, невара-чевараларининг тўйларида бош-қош бўлсинлар.

ТАКЛИФ

КОНСТИТУЦИЯДАН САБОҚ БЕРИЛСА...

Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидан кекса ўқитувчи Неъмат Ҳусанов шу мазмунда хат ёзибди:

«Конституцияда инсоний қадр-қиммат, халқ иродаси, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўллари ўз ифодасини топган. Мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этиши кишиларнинг жамиятга нисбатан соғлом тафаккур билан муносабатда бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Гапнинг қисқаси, Конституция — фаолиятимиз мезони. Лекин бу ҳолни ҳанузгача кўнчилигимиз тўлиқ англай олмаганимиз аянчли ҳол.

Бугунги кунда фарзандларимиз мактаб ёшиданоқ Конституциямиз билан бобма-боб, бандма-банд танишиб боришлари керак. Ўрта мактабда Конституция бўйича махсус соатлар ажратилиб, зукко билимдон мураббийлар ўқувчиларимизга сабоқ беришлари зарурияти дир. Болаларимиз бу фандан ўқиш давомида синов топширсалар яхши бўларди. Шундагина ёшларимиз демократик давлатнинг ақл заковатли, кучли аъзосига айланадилар. Ҳар қандай вазиятда ўз шаъни, юрт келажаги учун кураша оладилар».

РЕПОРТАЖ

БУГУН ҚАНДАЙ КУН?

Биз Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган ёшларимиз ҳузурида бўлдик. БУГУН:

Шуҳрат Рустамов, Тош ДД география факультети:

— Халқимиз инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини намоён қилди. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидалар устунлиги тан олинди.

Ботир Самадов, Тош ДД журналистика факультети:

— Ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги масъулият англанган кун.

Арслон Эшмуродов, Тош ДД журналистика факультети:

— Юртдошларимизнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, уларнинг тинчлиги ва миллий тотувлиги йўлида эзгу иш амалга оширилди. Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатимиз намоён этилган кун!

Соат милларини Кўчқор НОРҚОБИЛ кузатди.

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ – МИЛЛАТ ФАРОВОНЛИГИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСДАГИ

ТАБРИК СЎЗИ

Муҳтарам дўстлар! Азиз юртдошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни Ўзбекистон Конституцияси беш йиллиги билан табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий ҳурматимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Бугун ҳаётимиз Қомуси - давлатимиз Конституциясини таърифлаш, унинг ютуқлари, жамиятимиз ва бевосита ҳар биримизнинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида сўзлаш айни муддаодир.

Дарҳақиқат, бизнинг илғор ва бетакрор Конституциямиз билан, унинг ўз миллий анъаналаримизга, миллий табиатимизга ва бугунги жаҳон эришган ютуқларга, андозаларга муносиблиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Лекин, менинг фикримча, биз ана шундай олижаноб Конституциямиз нима учун бугунги ҳаётимизда тўлиқ ифодасини топмагани, нима учун ана шундай буюк ҳужжатни амалга киритишда баъзида ожиз қолаётганимизни ҳам кўрсатишимиз ва тан олишимиз жоиз бўлур эди.

Бу каби нуқсонларни ҳаммамиз ҳис этиб турибмиз-ку, лекин очиқ айта олмаймиз. Мана, ҳозиргина, минбарда туриб, бир нарсага эътибор бердим. Назаримда, мана шу ҳашаматли залга нимадир, кимлардир етишмаётгандай туюлди.

У ёққа қарасам ҳам, бу ёққа қарасам ҳам фақат эркакларни кўраман, аёллар қани?

Ҳар қандай жамоани, ҳар қайси жамиятни, ҳар қандай муҳитни, авваламбор аёлларимиз обод этади. Аёлларимизнинг бугунги анжуманда кўпроқ иштирок этиши Асосий Қонунимизнинг шаксиз амал этаётганига далил бўлиб хизмат қиларди, анжуман мазмунини янада бойитарди.

Минг афсуски, анжуман ташкилотчилари бу масалага эътибор беришмаган. Мен ўйлайманки, бундан кейин бу масалага алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳар кунлик ҳаётимизда ҳам шунга жиддий эътибор беришимиз зарур. Яна бир бор такрорлаб айтаман, Конституциямизнинг кўп олижаноб томонлари бор. Аммо уни ҳаётга тадбиқ этишда, ҳозир кўриб турганимиздек, камчиликларимиз кўп.

Бу камчиликларни биров четдан туриб бизга кўрсатиши шарт эмас. Уларни биз ўзимиз чуқур англаб, ўзимиз негизига, томирига етиб бориб, ўзимиз ҳеч кимдан қўрқмасдан очиқ тан олиб, очиқ гапирсак, мен ўйлайманки, бу бизнинг бағрикенглигимизнинг ва ўз кучимизга ишонганимизнинг яна бир ифодаси, намойиши бўлади.

Бугунги ҳаётимизда нима камчиликлар, қандай ечилмаган муаммолар бор? Яъни, авваламбор Конституция меъёрлари билан қиёслаганда, қайси масалалар бўйича Конституция талаблари ва кўрсатмалари даражасига биз ҳали етиб борганимиз йўқ?

Буларни ҳам очиқ айтишимиз керак. Агар биз амалда шу тадбирларни юрагимиздан ўтказмасак, ҳаётимизда тадбиқ этмасак, Конституция қоғозда қолиб кетаверади. Ўзаро суҳбатларда, торроқ давраларда ошкоралик тўғрисида гапирамиз, матбуот эркинлиги тўғрисида, умуман, жойлардаги тўрачилик, жойлардаги одамларнинг аҳволига бепарволик, порахўрлик, ҳар хил эски замондан қолган сарқитлар ҳақида гапирамиз.

Менинг фикрим, талабим шуки, бу ҳақда катта йиғинларда, мана шундай залларда ҳам, Конституциямизнинг беш йиллигини нишонлаётганда ҳам очиқ ва дадил гапиришимиз зарур. Конституциямиз белгилаб берган демократик адолатли жамият қурмоқчи эканмиз, Конституциямиз моҳияти ва меъёрларига зид бўлган барча иллатлардан халос бўлишимиз керак.

Азиз дўстлар, ватандошлар!

Конституциямизни таърифлаганда нималарга эътибор беришимиз керак? Конституциямизни нима учун биз Асосий Қонунимиз — ҳаётимиз Қомуси деб биламиз?

Нима учун Конституциямиз биз учун, давлатимиз учун, жамиятимиз учун, ҳар қайси инсон учун бизнинг байроғимиз, бизнинг гербимиз, бизнинг мадҳиямиз каби қадрли?

Конституциямизга риоя қилиш ва амал қилиш, нима учун муқаддас бурчимиз бўлиши шарт эканини биз албатта жуда аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Авваламбор, бунинг сабаби шуки, халқимиз асрлар, минг-минг йиллар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуришни ҳавас қилган, орзу қилган. Конституциямиз шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган, унинг шаклини, маънавий қиёфасини кўрсатган.

Иккинчидан, давлатимизни ҳам, жамиятимизни ҳам, ҳар қандай фуқаронинг ҳам ҳуқуқини, ҳам бурчини — ҳаммасини белгилаб берган. Нафақат белгилаб берган, балки уларни — ҳуқуқлар ва бурчларни ҳам бир-бирига уйғунлаштириб, бир-бирига мувофиқлаштириб берган.

Яна бир улуғ томони шундан иборатки, Конституциямиз инсон ҳуқуқи, инсон эркинлигини ўзида муҳрлаб берган ва виждон эркинлиги ва диний эркинлигимизни таъминлаб берган.

Конституциямизнинг биз учун муқаддаслиги яна шундан иборатки, ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асосларини белгилаб берган.

Конституциямизнинг энг муҳим жойи шундан иборатки, у **биз** ҳаммамиз **орзу қилган жамиятга эришиш учун,** шундай ёруғ кунларга муносиб бўлиш учун бизлар қандай хусусиятларга эга бўлишимиз кераклигидан сабоқ берувчи **улуғ дорилфунун вазифасини ўтайди.**

Ўйлайманки, биз Конституциямизни ана шундай нуқтаи назардан ҳам таърифлашимиз, улуғлашимиз, уни муқаддас, деб билишимиз даркор.

Бугунги дунёда тараққий топган давлатларни олсак, мана шундай қарашлар ҳамманинг қонига, суягига, керак бўлса, иймон-эътиқодига кириб қолган. Агар биз ҳам улар эришган юқори даражага кўтарилмоқчи бўлсак, авваламбор Конституция талаблари ва меъёрлари онгимизга сингиши керак.

Бунга эришиш учун нималар қилишимиз лозим? Авваламбор, ўз устимизда ишлашимиз керак, иймон-эътиқодимизни мустаҳкам қилишимиз зарур. Жамиятимизда одамийлик хусусиятларини барқарор этишимиз керак. Нима учун курашаётганимизни чуқур англаб олишимиз даркор.

Беш-олти йиллик тажрибамиз кўп нарсаларга кўзимизни очиб берди. Кўп тарбия берди. **Агар мендан: "Мана шу беш-олти йиллик мустақил ҳаётимиз бизларга нима берди?", деб сўрасалар, мен одамларимизнинг маънавий қиёфаси ўзгарди, уларнинг маънавий бойлиги, миллий онги, сиёсий савияси кўтарилишига эришдик, деб айтардим.**

Бугунги оддий фуқаромизни 1990-1991 йиллардаги фуқаро билан қиёсласак, улар орасидаги фарқ жуда катта. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам, ҳар қандай тирноқ остидан кир қидирувчилар ҳам, агар озгина виждони бўлса, ҳақиқатни тан олса, бу ҳақиқатни инкор қила олмайди.

Биринчи навбатда ёшларимизнинг, фарзандларимизнинг бугунги замон, бугунги жаҳон талаблари ва андозаларига ҳар томонлама жавоб берадиган билими ва савияси, шу билан бирга, аждодларимизга хос миллий ғурур, инсоний қадр-қимматимиз, ориятимиз юксалиб бораётганини кўриб, одамнинг кўнглида чексиз ифтихор ва эртанги ҳаётимизга, эл-юртимизнинг фаровонлигига сўзсиз ишонч уйғонади.

Ҳар кунлик ҳаётимизда мана шундай билимли, бамаъни, одобли, эл-юрти ғами ва ташвиши билан яшайдиган, жонини қўйдирадиган ёшларимизни кўриб, ҳар қандай одам ҳам яйраб кетади.

Иймоним комилки, бугун биз бошқаларга нисбатан моддий нуқтаи назардан унчалик бой бўлмасак ҳам, фарзандларимизнинг онгида, қалбида бугун жой топаётган, мужассамлашаётган маънавий бойлик ва инсоний фазилатлар жамиятимизнинг энг катта бойлиги бўлиб, эртанги кунимизнинг, фаровон ва эркин ҳаётимизнинг гаровидир.

Мана шу юксак минбардан туриб, ана шундай комил ўғил-қизларимизга таълим-тарбия бераётган ота-оналарга ва мураббийларга офарин айтиб, чуқур таъзим қилишга ижозат бергайсизлар.

Агар дунёда энг мураккаб, шу билан бирга, энг масъулиятли касб нима деб сўрашса, мен мана шу фурсатдан фойдаланиб, ота-оналик, мураббийлик деб айтган бўлардим. Нега деганда, бунинг масъулиятини, бунинг оқибатини тушуниш керак, англаш керак.

Жамият ўзининг эртанги кунини қандай тасаввур қилади? Биз авваламбор, ўсаётган фарзандларимиз, мана шу вояга етаётган болаларимиз орқали эртанги кунимизни кўз олдимизга келтиришимиз керак. Кундалик ташвиш, ҳар хил арзимайдиган тортишув, эскидан қолган интилишлар, носоғлом гердайишлар орқасидан бир нарсага эътибор бермаймизки, кундалик ҳаётимиз ташвишлари эртанги кунимизга соя солмаслиги, бекитмаслиги керак.

Икки-уч енгил машина, ҳашаматли уйлар, иморатлар ва жиҳозларга эга, кийиниши зўр, савлатидан от ҳуркадиган одам бой эмас. Мендан энг катта бойлик нима деб сўрашса, билимли, ақлли, одобли, эртанги кунини ўйлайдиган фарзанд ота-онанинг энг катта бойлиги деб айтган бўлур эдим. Бундай бойликка эга бўлганларни жамоа бой-бадавлат ота-она, бой-бадавлат оила деб тан олади. Бундай оила ҳеч қачон хор бўлмайди.

Бугун яхши тушунамизки, кўзланган марраларимизга етиш йўлида ҳали кўп ишларни бажаришимиз, кўп муаммоларни ечишимиз керак.

Мен бугун мана шу борадаги бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Сўз оила ҳақида, унинг жамиятимизда, ҳаётимиздаги роли, ўрни ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон Конституциясида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга", деб ёзилган.

Шу Конституцияни ёзишда ўзим ҳам иштирок этганман, унга ўзимнинг билимимни, керак бўлса, бутун борлиғимни берганман. Бу сир эмас.

Мен ҳозир айтардимки, "...ҳуқуқига эга" дегани сал юмшоқроқ айтилган. Унинг ўрнига, оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир. Оила жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазасида, ҳимоясида бўлиши шарт, деб ёзардим. Нега деганда, бугунги замон шуни тақозо этяпти, бизнинг кўзимизни очиб, ҳаётга бошқача қарашни талаб қиляпти.

Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар:

ҳалоллик, ростгўйлик, орномус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланган.

Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда Она симоси шаклланади. Нима деганда оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил — Она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру мурувватти, садоқати ва вафодорлигидир.

Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради.

Мана шунга алоҳида эътибор беришингизни илтимос қилмоқчиман: табиийки, Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради.

Буларнинг моҳиятини ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оиларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш — бугунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор.

Менинг таклифим — 1998 йилни Оила йили деб эълон қилсак, ҳар томонлама олижаноб иш бўлур эди.

Оила, унинг муаммолари, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз эътибори марказида бўлиши керак.

Ўйлайманки, биз ҳукуматимизга, жойлардаги ҳокимиятларимизга ва бошқа мутасаддиларимизга бу масала бўйича 1998 йилга муносиб дастур ишлаб чиқишни топшириб, унинг бажарилишини назоратга олсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Азиз юртдошлар!

Мен яхши тушунаман, албатта янги йил арафасида 1998 йил бўйича кўрилаётган режалар бизга нима енгиллик олиб келар экан, деган савол кўпчиликнинг хаёлида бўлиши — бу табиий ҳол.

Бир нарсани очиқ юз ва катта ишонч билан айтишимиз мумкин: охирги йиллар бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар, халқимизнинг ҳалол меҳнати ва шижоати, давлатимизнинг, иқтисодимизнинг тўхтовсиз ва барқарор ривожланиши учун пухта замин яратди.

1998 йилда иқтисодимизнинг ўсиши 1997 йилдан кам бўлмасдан, унинг суръатлари 5-6 фоизни ташкил қилади.

Авваламбор, шунинг ҳисобидан кўпгина ижтимоий муаммоларимизни ечишга, одамларимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашга имкон яратилади.

Ўзгаларга ўхшаб қуруқ ваъда бермасдан, бир нарсани аниқ айтишим мумкин: 1998 йилда маошлар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа давлат тўловлари тахминан икки баробар ўсади.

Халқимизга қуруқ ваъдалар керак эмас. Бизга амалий, ҳақиқатан ҳам одамларнинг ҳаёти даражасини кўтарадиган ишлар керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун ҳаётимизда катта-катта ижобий ўзгаришлар бўлаётганини ҳеч ким инкор қила олмайди.

Албатта, ҳаммамизнинг истагимиз — қани энди бундай ўзгаришлар кўпроқ ва тезроқ бўлса!.. Лекин, минг афсуским, биз кўзлаган марраларга етиш учун озми-кўпми вақт керак экан.

Ва яна бир муҳим шарт — қани энди бепарво, бефарқ, боқибеғам одамлар сони камайса, фидойилар, жонкуярлар сафи кўпайса! Ҳар бир инсон ва биринчи навбатда мансабдорлар ўз жойида ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилса ва ўз бурчини виждонан бажарса!.. Унда олам сўзсиз гулистон бўларди.

Мен ишонаман, бугун амалга ошираётган барча эзгу ишларимиз мана шундай кунларнинг ҳаётимизга тезроқ келишига асос солади.

Ҳар доим мен учун, ўйлайманки, бошқа раҳбарлар учун ҳам энг катта бойлик, энг катта шараф — у ҳам бўлса, сизнинг ишончингиз, халқимнинг менга қаратилган очиқ чеҳрасидир.

Илоё, эл-юртимизни ёмон кўздан асрасин, ёру биродарлар, қон-қариндошларимиздан айирмасин, қарияларимизга узоқ умр, ёшларимизга куч-қувват ва ғайрат, хонадонларимизга қут-барака берсин.

Оллоҳнинг ўзи барчамизни ўз паноҳида асрасин!

СУРАТДА: тантанали мажлис пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ БИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЖАМИЯТГА

Мустақилликка эришган ҳар қандай давлат табиийки, дастлаб ўз тараққиёт ва истиклол йўлини белгилаб олади, маълум бир мақсад сари интилади. Бизнинг пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш деб белгиланди.

Ана шу мақсадга етишиш йўлида амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборатдир. Бу ишларни рўёбга чиқариш учун эса мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор, бошқача қилиб айтганда ҳуқуқий кафолат зарур эди. Шунинг учун 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгашнинг XI сессиясида республикамизнинг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Конституциямизнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, биринчидан, у миллий қадриятларимизни, миллий тафаккуримизни ўзида акс эттирган. Асосий қонунда адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик каби улуғ хислатлар муносиб ўрин олган.

Иккинчидан, Конституциямиз энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, уларнинг тарихий тажрибаларига таянган ҳолда яратилган бўлиб, дунё миқёсида ҳар қандай етакчи давлат Конституцияси билан беллаша олади. Учинчидан, Асосий қонунимиз чинакам демократик Конституция бўлиб, умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ҳам ўзида ёрқин мужассамлаштирган. Халқ ҳокимияти ғояси Конституциямизнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Конституциямизга Президент Ислом Каримов қисқа, лекин сермазмун таъриф берган. «... Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир, — деб таъкидлади йўлбошчимиз. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик».

Маълумки, ҳуқуқий давлатнинг ғоялари, тамойиллари ва меъёрларини ҳаётга татбиқ этишни фуқаролар билан давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва ўзаро бурчларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу — давлат ва унинг ҳокимият органлари билан бўладиган муносабатда инсон омилининг устуворлигини англатади. Ҳуқуқий давлат шахс ўз манфаатларини рўёбга чиқаришини таъминламоғи, ҳуқуқий давлатчиликнинг мақсади эса жамият ва шахс эҳтиёжларига хизмат қилишдан иборат бўлмоғи лозим.

Конституциянинг 19-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар» дейилади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлаши муҳим аҳамиятга эга. Айни вақтда чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади.

Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳуқуқий давлат нуқтаи назаридан кенг ва тўлақонли равишда кўриб чиқилган.

Ҳар бир фуқарога фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги берилиши, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгалиги, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган чеклашлар бундан мустасно эканлиги ҳам ҳуқуқий давлат қурилиши йўлидаги муҳим қадамлардандир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Ижтимоий ҳаётни демократлаштириш шароитида аҳолининг сиёсий фаоллиги орта боради. Шунинг учун Конституцияда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан аниқлаб берилиши жуда муҳимдир. Шу муносабат билан Асосий қонунимизнинг 32-моддаси катта аҳамиятга эга. Унда республикамиз фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали (билвосита) иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Миллий давлатчилигимизни барпо этиш йўлида туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширар эканмиз, шакшубҳасиз, фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, банкдаги омонатларнинг сир тутилиши ва мерос ҳуқуқининг қонун билан кафолатланиши, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, дам олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш каби ҳуқуқлари Конституциянинг IX-бобида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳуқуқий давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими нафақат ҳуқуқ ва эркинликларни, балки ўзаро бурчни ҳам назарда тутади. Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ғояси фақатгина давлатга эмас, балки фуқароларга, уларнинг хатти-ҳаракатларига ҳам тааллуқлидир. Бу қоидалар Конституциямизнинг 47 ва 48-моддаларида ўз аксини топган. Унда барча фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурликлари белгилаб қўйилган. Фуқаролар, шунингдек, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга, қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — ҳар биримизнинг конституциявий бурчимиздир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашнинг яна бир муҳим шарти давлат ҳокимиятининг суиистеъмол қилинишининг олдини олишдир. Шунинг учун Президентимиз миллий давлатчиликни барпо этишда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш муҳимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Конституциямизда «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади» деб мустаҳкамлаб қўйилиши демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги энг муҳим қадамдир. Бироқ, чинакам демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ўзи бўлмайди. Демократия ва ҳуқуқ-тартиботнинг тантанаси учун маълум шартлар бажарилмоғи керак. Демократия тамойиллари, энг аввало, халқнинг миллий қадриятлари, маънавияти ва асрлар давомида қўлга киритилган ютуқларига асосланган бўлиши лозим. Иккинчидан эса, мустаҳкам иқтисодий негиз зарур. Учинчидан, одамларни демократияга ўргатиш, уларни шу руҳда тарбиялаш керак. Тўғри, ҳали бу масалада айрим муаммолар мавжуд. Баъзи фуқароларимиз ўзларининг конституциявий ҳуқуқлари ва айниқса, бурчларини билмайдилар. Демак, ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ушбу масалага масъул бўлган бошқа органлар фуқаролар ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун астойдил иш олиб боришлари зарур.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил республикамиз Конституциясида инсон ҳуқуқи ва эркинлигини кафолатловчи энг муҳим қоидалар ўз аксини топган. Галдаги вазифалардан бири ушбу қоидаларнинг бузилишига йўл қўймаслик ва ҳар бир фуқаронинг ўзаро тенглиги ва манфаатини таъминлашдан иборатдир.

Зоҳиджон ВОҲИДОВ,
Давлат ва жамият қурилиши магистри.

ИНСОН ОМИЛИ

«ЎЗ КОНСТИТУЦИЯНГИЗ БИЛАН ФАХРЛАНСАНГИЗ АРЗИЙДИ»

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига беш йил тўлган шу кунларда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Андрис Вилцанс билан мулоқотда бўлди:

— Аввало, шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси замонавий демократик давлат Конституцияси мезонларига тўла мувофиқдир. Хусусан, халқаро ҳуқуқ талаблари нуқтаи назаридан қараганда, Ўзбекистон Конституциясида давлатнинг ташқи сиёсат, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича халқаро ҳуқуқ талабларига риоя этиш масъулияти аниқ ва муфассал баён этилган. Нафсиламрини айтганда, сизнинг Бош қонунингиз нафақат конституцион ва халқаро ҳуқуқ бўйича мутахассисларнинг жиддий имтиҳонидан, балки вақт синовидан ҳам муваффақиятли ўтди. Конституциянгизда халқ ва давлат ўртасидаги узвий боғлиқлик, ўзаро бурч ва имтиёзлар, манфаатлар бир-бирига айни мувофиқ ҳолда акс этган. Энг муҳими, Ўзбекистон халқи ўз Конституцияси билан фахрланса арзийди.

Кўпинча дуч келадиганимиз, миллийлик ва демократия ҳақидаги тушунчаларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш менга бир қадар эриш туюлади. Бирон бир миллий хусусиятдан ҳоли, бошдан оёқ демократияга "бурканган" жамият ёхуд давлатни амалда кўриш эҳтимолдан жуда йироқ ҳодиса. Зеро, ҳар бир халқ ўз тарихи, миллий анъаналари ва табиий равишда демократик анъаналарига ҳам эга. Англашимча, ўзбек халқида мазкур анъаналар кўп жиҳатдан маҳаллалар билан боғлиқдир. Тарих тажрибалари шундан далолат берадики, давлатчиликнинг турли шаклларида, хоҳ парламент республикаси, ёинки президентлик бошқаруви, хоҳ монархия бўлсин, демократия мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин. Бунинг учун эса ҳар бир халқ, жамиятнинг ҳар бир вакили демократияни тўғри тушунмоғи ва доимо уни ҳимоя қилишга тайёр бўлмоғи лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, демократия тамойилларига таянган ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида дадил илгари одимлаётган Ўзбекистон халқини Конституция куни билан самимий табриклайман.

(ЎзА)

• *БУГУН*

ОДАМЛАР ОЙДИНДА АДАШМАЙДИ

Соддаликнинг ўзи мураккаблик талқинидир. Аслида дунё, инсон, Ватан, миллат ҳақида шу пайтгача жами яхши фикрлар айтилиб, гўзал-гўзал тасаввурлар ўз изоҳини топган. Фақат уларни жамлаш, Инсон манфаатига дахлдор йўлга солиш қийин кечадиган жараёндир. Яхши йўлга чиқиб олиш, яъни маълум бир характерлар муштараклиги мавжуд кишиларнинг истак-хоҳиши, ройишидан келиб чиқиб, манзил танлаш ва унга олиб боражак сўқмоқларни адашмай топиш осон эмас, албатта.

Биз умуминсоний қадр-қиммат, эзгуликлар, кишилар шаъни ҳамда иродасини ҳимоя этишда давлат ўз фаолиятини нималарга қаратади, қайси жиҳатларга жиддий муносабатда бўлиши керак, деган саволларга жавоб излай бошладикми, демак ўзимизнинг ҳақ-ҳуқуқимизни таниш арафасидамиз. Ўзининг қадри давлат томонидан ҳам қонунда, ҳам амалда эъзоз топганини фаҳмлаб етган элнинг борар йўлидан ҳеч нарса қайтара олмайди.

Ўзини таниб улгурмаган одам кўп адашади, қоқилади, сурилади, жиззакилиги тутади, норозилик кайфиятининг хасталик аросати кўнглига чўкиб қолади. Дилида ойдинлик лиммо-лим чайқалмаган инсоннинг, миллатнинг овози олисларга эшитилмайди, руҳий қудратига суст кетади, қўли калталик қилади.

Инсон ва жамият, инсон ва давлат орасидаги муносабат содда ва равон баён этилиши мамлакатимиз Конституциясини ойдинлик манбаи, соф умидлар булоғига қиёс этишимизга имкон беради. Конституция менинг, сизнинг, уларнинг... барчамизнинг шаънимиз ҳимояси, Давлатимиз равнақи учун нечук алфозда саъй-ҳаракат қилиш зарурлиги, энг муҳими, давлат томонидан ҳуқуқи ҳимояланган кишиларгина Ватанни ҳимоя этадиган, керак эрса жонини фидо қилишга тайёр бўлишига ишорат бор. Бундан ўзга тиниқлик, бундан ўзга содда ва равон ҳикмат бўлиши мумкинми? Конституциямиздаги барча боблар сирасидаги моддаларнинг барида ана шу — **ҳимояда бўлган инсонгина давлатнинг ҳимоячиси,** деган залворли мантиқ илдиз отган. Буни ёруғ сатрларнинг ҳар бирида англашимиз мумкин.

Мен ҳар қадамда ички бутунлигимга, собит эътиқодимга, сўнгра, давлатим Конституцияси томонидан белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларим моҳиятига ишониб яшасамгина, жамиятдан ташқарига чиқиб қолмайман, мени ҳеч бир куч четлата олмайди. Умри беҳуда ўтаётган «кераксиз» одамга айланиб қолмайман. Муносабат билдира олиш туйғусидан, яшашдан бору йўқлиги билинмай, ўз имкони чеку-чегарасини англамай умр кечиришдан Худо асрасин.

Инсон ўз ҳаёти давомида риоя этадиган азалий тушунчалар бўлади. Барча менга тааллуқли бўлган характерлар, дейлик, қўрслик, қўполлик, дангасалик, хаёлпарастлик, сезувчанлик ва севувчанлик, ҳаммаси Оллоҳ томонидан ином этилган, табиатан шундай яралганман, дейлик. Аммо шу кайфиятларнинг барини бошқалар ёхуд жамият билан муносабатга киришиш асосида мазкур қонун-қоидалар асосида йўналтираман... Катта йўл четидаги улкан дарахтни кесиш истаги қанчалик менда кучлироқ етилиб бормасин, бироқ амалдаги қонунлар силсиласи ўлароқ бунга менинг ҳақ-ҳуқуқим борми? — деган савол туғилади... Яшашим тамойиллари белгилаб берилган, барчага баробар тамойилга терс қараб, уни паймол қилиб ўтишни ҳеч нарса билан оқлай олмайман. Бу ўринда умуминсоний андозалар, давлат ва жамиятнинг тўғри шаклланиши учун дастуруламаллик қилаётган ягона манбага бўйсуниш табиий ҳол деб қаралади. Яъни ҳеч кимга, ҳеч қачон дахл қилмайдиган асосда белгилаб қўйилган қонун-қоидалар давлат ва инсон фаолиятининг ўзагидир. Конституциямизнинг яна бир асосий томони шу ўринда кундай равшанлашади.

Унинг бандларидан ўз фаолиятимизни белгилаб оламиз. Ҳар бир хатти-ҳаракатимиз, ташқи олам билан муносабатимиз изоҳи унда кўзгудагидай акс этиб, жонланиб турибди.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *НУҚТАИ НАЗАР*

ДУНЁҚАРАШ ВА

Демократик тамойилларга асосланган барқарор жамиятни таъсис этиш, аввало, ислоҳотлар жараёнининг изчил ва мўътадил амалга оширилишига боғлиқ. Барқарор жамият ислоҳотлар жараёнининг тизимли ва босқичли амалга оширилиши натижасида ўз тараққиётига эга бўлади. Ислоҳотлар жараёни сусаяётган жамиятда эса турли қолиплар ва изнлар пайдо бўлади. Бу ҳол жаҳон жамиятшунослиги тажрибаларида кўп кузатилган.

Бизда шакллантирилаётган барқарор фуқаролик жамияти тадрижий асосларига эга бўлган кучли ислоҳотчиликни ҳисобга олади. Аслида мутлақо янги бўлган жамият ана шундай ислоҳот жараёни билан тараққий йўлга киради. Бир даврдан иккинчи даврга ўтаётган жамият кучли ислоҳотчиликка асосланмаса, у янги жамият бўла олмайди. Таназзулга юз тутган эски жамият ўзининг меъёрлари, қолиплари ва изнлари билан яшовчанликка интилади. Чунки унда эски ижтимоий тузумнинг идеаллари ҳали мавжуд бўлади.

Айниқса, тоталитаризмга асосланган жамиятнинг таназзули қанчалик тез рўй бермасин, барибир унинг йиллар давомида шаклланган стереотиплари асорат сифатида муайян вақт сақланиб қолади. Бироқ, ўзининг тагзаминига эга бўлган мутлақо янги жамият бу ҳолдан тез қутилиши мумкин. У ўзига эски жамиятнинг ақидавий тушунчаларини қабул қилмаслиги учун янги асосларини тақозо этади, оҳорли ғояларга эҳтиёж сезади. Бунинг учун янгича тафаккур тарзи лозим бўлади.

Янгича тафаккурнинг юзага келиши учун муайян ижтимоий муҳит лозимдир. Ҳозир бизда бу муҳит мавжуд. Жамиятда эгалик туйғуси, шахс бўлишлик ҳисси шаклланади. Кишиларнинг бир пайтлар узоқ муддатларга мўлжалланган ислоҳотлардан безган кўнгиллари қайтадан уйғонди. Шахс ва жамият орасида пайдо бўлган сунъий ғоя йўқолди. Айни вақтда, бугунги ўзгаришларга бўлган ишонч ва муносабатлар шаклланди. Эътироф этиш лозимки, мустақилликдан кейин бизга мерос қолган жамият дунё тарихида кам кузатилган. Чунки бу жамият етмиш йил мобайнида қатъий тоталитаризм воситасида шакллантирилган эди. Ақидавий фикрлаш бу жамиятнинг бутун ўзакларига сингиб кетганди. Шу маънода мустақилликнинг дастлабки йилларида эски жамиятга нисбатан инқилобчилик муносабатида бўлиш ўзини оқламас эди. Айни пайтда юзага келаётган янги жамият учун реал асосларни беришда ҳам сусткашлик қилиш кечирилмас хатога олиб келган бўлар эди. Республикамиз мана шундай мураккаб бир ҳолатдан ўта олди. Бунинг учун эски тузум ва жамиятнинг асоратли хусусиятлари тадқиқ этилди, жаҳон тажрибалари кузатилди.

Тадрижий жараён танланди, натижада кишиларнинг бутун онгу-шуурига сингиб кетган ақидавий тушунчалар аниқлаб олинди. Лекин бу жуда сермеҳнат ва машаққатли бир иш эди. Вақт лозим эди, шошилиш керак эди. — Ўшанда баъзилар тайёр, бутунлай ўзга ижтимоий муҳитда шаклланган моделларни таклиф қилишди. Бу моделларни бутунлигича қабул қилиш, яъни эскича йўл тутиш бўлур эди. Бизнинг ижтимоий ҳолатимиз бутунлай янги бир йўлни таъсис этишни тақозо қиларди.

Бу янгича йўл қуйидан юқорига қараб ҳаракат қилиш тамойилига асосланди. Чунки тоталитар жамиятнинг ўрта ва юқори ҳисобланмиш зиёли қатлами кўп ҳолларда ақидавий фикрларди. Аксинча, жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш қуйи қатлами турли стереотиплардан нисбатан холи эди. Айни пайтда бу қатлам халқ донишмандлигининг руҳидан бутунлай бебаҳра эмасди. Демак ана шу қуйи қатламнинг фикрларини ҳисобга олиш муайян янгиликни юзага келтириши мумкин эди. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки йилларида дабдабали шиорбозликдан воз кечилди. Бу натижа берди. Бугун мутлақо янгича тафаккур тарзини шакллантириш учун шароит пайдо бўлди.

Янгича тафаккур тарзи мавҳум ёки идроқдан ташқари бўлган тушунча эмас. У ҳар бир кишининг, ҳар бир жамоанинг ва ҳар бир даврнинг ўз дунёқараши, ўз муҳити ва ўз қадриятига асосан яшаш тарзидир. Янгича тафаккур бу — янги жамиятнинг, янги замоннинг ва янги авлоднинг сийратусуратини белгилайдиган тушунчалар жамидир. Унда шахс эрки, ҳуқуқи ва қарашларининг тўла намоён бўлуви рўёбга чиқади. Янгича тафаккур тарзининг шакллантирилиши учун қуйидагиларга эътибор қилиш лозимдир: биринчидан, ҳар бир кишида, жамоада ва замонда мустақил фикрлаш тарзини шакллантириш. Фикрламайдиган одам ожиздир. Фикрламайдиган жамоада ташаббус бўлмайди. Шунингдек, фикрлаш тўхтайдиган замон турғунликка маҳкум бўлади. Тоталитар жамият фикрни хуш кўрмас ва «жонсиз темир одам»ни қўллаб-қувватлар эди. Шу сабабли бу жамият кишиларида, айниқса, раҳбарлик тизимида ўтирганларда ташаббус эмас, кўр-кўрона бажаришлик, «есть» қилишлик тамойиллари ўзи билан бирга ёниб кетган. Ҳамон ўша ноинсоний жамиятнинг асоратлари билан яшаш, бу худди гуноҳ иш қилиб, жаннатдан умидвор бўлишга ўхшайди. Ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган кишининг, жамоанинг ва замоннинг на халққа, на жамиятга ёрдами тегади. Аксинча, ортиқча юк бўлади. Олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнининг тезроқ мева бериши ана шу мустақил фикрлаш тарзини шакллантиришга боғлиқ.

Иккинчидан, ҳар бир кишида ривожланган онгнинг шаклланишига эришиш лозим. Илгари бу масалалар ҳам бирёқлама ҳал этилган эди. Дунёқарашда фақат оқ ва қорага асосланган коммунистик тушунчалар устувор эди. Инсоний ҳақиқатлар ва реал шарт-шароитлар ҳисобга олинмасдан идроқ қилишга тақдим қилинаверар эди. Кишилар онгининг даражаси инқилобни тушуниш-тушунчалар тақдим қилинмоқда. Онглилик бу — инсоннинг ўз қадрига етиб яшашидир, дея оддий таъриф бериш мумкин-ку! Тоталитар жамият онглиликни хуш кўрмасди, чунки у заиф ҳақиқатларга асосан барпо этилганди.

Биз барпо этаётган жамият эса аксинча, онгли муносабатлар асосига қурилади. Бизга муте ва ҳар хил қолиплар асосида яшайдиган муҳит эмас, балки идроқ билан тараққиётга хизмат қиладиган барқарор муҳит яратади. Келгуси йилда таваллудига 680 йил тўладиган ҳазрати Нақшбанд (1318 — 1389) деган эканлар: «Фаолият бошлайдиганларнинг биринчи қадами бизнинг охирги қадамимиз бўлсин. Агар шундай бўлмаса биз буни кечиримаймиз». Бу фикрда Шарқона онглиликнинг даражаси баён қилинган. Унга кўра, онгли одам нафақат бугунни, балки эртани ҳам кўра ли хос эди. Юқоридан тушган ҳар қандай кўрсатмани итоатсиз бажаришга мажбур қилинар ва ижтимоий шароитидан келиб чиқиб ҳаракат қилишга изн берилмасди. Агар бундай кўрсатма бўлмаса-чи? Кўз тикиб ўтирилаверар эди. Афсуски, бу ҳол ҳозир ҳам учраб туради. Айниқса, раҳбарлик тизимидагиларда бу асорат кўзга ташланмоқда. Биз қураётган жамият шаблон кўрсатмаларга эмас, балки ташаббус ва ижодий фаолиятга асосланади.

Бунда фикрламайдиган одам, жамоа ва замон ютқазади. Бу жамият қуруқ расмиятчиликка эмас, жонли мулоқотга, мақсадли интилишларга ва виждон амри билан ҳаракат қилишга асосланади. Халқимиз ва биз кўп умид қилиб турган ёшларимиз фикрламоқда. Фикрлашни халқдан ўрганишни тавсия этардик. Фикрий қуллик, итоатбозлик ва виждоний сусткашликдан қутилиш учун халқ орасига киришни маслаҳат берар эдик. Лоақал, атрофимиздаги фикрлаётган кишилардан ўрнак олишга ундар эдим. Бу ўринда ўша фикримни яна бир бор эслатиб ўтишни истайман: тоталитар жамиятнинг фикр қилмаслик ва итоатбозлик маслигига қараб белгиланар эди. Натижада онгсиз онгли одамлар дунёга келтирилди. Бугун эса инсониятнинг идроқ қилиш даражасига таъсир эта оладиган савиядаги онг керак. Бугунги жамиятимизда онгсиз одам ютқазади. Онгсизлик нима ўзи? Бу ўзингнинг, жамиятингнинг ва ўзинг мансуб бўлган замонингнинг ҳолидан бехабарликдир. Онгли одам ўзини ҳам, ўзгани ҳам саодатга етаклайди. Онгсиз одам эса бунинг акси. Кўп кишиларда идроқ қилиш туйғуси йўқолиб келган. Бирор муаммо туғилса шунинг ечимини топишга интилиш йўқ. Оддийгина нарсаларни ҳам тушунмасдан қимматли вақтни исроф қилиш ҳоллари учраб турибди.

Кези келганда айтишимиз лозим: бизнинг ижтимоий фанларимизда ҳамон эскича, ақидавий нормаларни тақдим қилиш давом этиб келмоқда. Мисол учун, шу Онглилик масаласи ҳам ўша даражада мавҳумлаштириб юборилган. Оддий ва тушунарли таърифлар ўрнига ҳаводан олинган ёки ўзга дунёқарашлардан экспорт қилинган фикрларга асосан ёзилган тушунчалар олади. Бугунни идроқ қила олмаган одам эртани тасаввур ҳам қила олмайди. Онгли одамда лоқайдлик, ташаббуссизлик ва бепарволик бўлмайди. Онгли одам жамиятни турғунликка бошламайди. Шарқнинг машҳур бир донишманди деган экан: «Идроқ қилмасанг, идроқ қилувчиларга қўшилиб бошингни тебрат, токи саодатга интилаётган замонга тўғаноқ бўлмагин».

Шу ўринда таъкидлашни истардим: бизда одамларнинг фикрини, онгини ва тафаккур тарзини зўравонлик билан ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бу инқилобчиликка хос усулдир. Бизда мулоқот ва муносабат усули билан, тушунишга ёрдам қилиш йўсини билан онглиликка эришилади. Дарҳол идроқ қилиб ололмаган киши айбланмайди. Балки унинг тушуниб етишишлиги учун имкон берилади. Айни пайтда бу имкон суистеъмол қилинмаслиги керак.

Ҳозир бизда онгли ҳаракат қиладиган ўрта бўғин авлод шаклланади. Ислоҳотларнинг поёнига етказиш масъулияти уларнинг зиммасида. Айни пайтда бу авлоднинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун шароит яратиш лозим.

ЭРИШИШ УЧУН УЛУҒ ДОРИЛФУНУН ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИ

Мамлакатимизда ҳозир юздан ортиқ миллат вакиллари яшамоқда. Уларнинг ҳаммаси республика фуқаролари бўлиб, Ўзбекистон халқини ташкил этади. Уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳам тенг, Конституция билан ҳимоя қилинган. 1992 йилнинг декабрида қабул қилинган Асосий Қонунга беш йил тўлди. Конституциямиз энг таъсирли, унда миллатидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари кафолатланган. Бу кафолотларнинг мустаҳкамлигини, республикада тинчлик ва тотувликни сақлаб туришга кўмаклашаётганини вақтнинг ўзи исботлади. Ўзбекистонда ишлаб турган миллий маданият марказларининг раислари шу ҳақда гапирдилар.

"БИЗ ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИЗ — ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРМИЗ"

ГЕОРГИЙ САРКИСОВ,
Тошкент шаҳар арман маданияти марказининг раиси:

— Пойтахтдан ташқари Андижон, Бухоро ва Самарқандда тузилган маданият марказларимиз республикада яшаётган кўп арманларни бирлаштириб турибди. Лекин ўзбекистонлик арманлар жамиятдан ажралиб қолгани йўқ. Биз ҳаммамиз ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон халқининг бир қисмимиз. Бу ҳуқуқ мамлакатнинг Асосий Қонунида белгилаб қўйилган.

Республиканинг бундан беш йил муқаддам қабул қилинган Конституцияси фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик таъминланган инсонпарвар демократик давлатни барпо этишни асосий мақсад деб эълон қилди. Республикадаги демократик муҳит барча миллатларнинг вакилларига ўз маданиятини ривожлантириш имконини бермоқда. Масалан, Тошкентдаги арман маданияти марказида лицей ишлаб турибди. Унда болаларга она тилида таълим берилади. Йигитлар ва қизлар бу ерда фақат арман тилини эмас, шу билан бирга халқимизнинг маданиятини, унинг ўзига хос санъатини, анъаналари ва удумларини ўрганишмоқда. Улар арман ёшлари клубида ўз қобилиятларини намоён этишлари мумкин, бу ерда даста ҳам тузилган. Мунтазам равишда арман маданияти кечаларини ўтказамиз. Бундай учрашувларга фақат арманларгина эмас, ўзбеклар, руслар, бошқа турли миллат вакиллари келишади.

Бу далилларни рад этиб бўлмайди. Ўзбекистонда тинчлик ва тотувлик вазияти сақланаётгани учун мамлакат раҳбариятидан самимий миннатдормиз. Бу вазият ўнлаб миллатларнинг вакилларига ягона катта, дўстона оила бўлиб яшаш, биргаликда муштарак иш — чинакам демократик ҳуқуқий давлатни қуриш билан шуғулланиш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ана шундай давлатни барпо этишнинг гаровидир.

СЕРГЕЙ ПРОТАСЕВИЧ,
Республика беларус маданияти марказининг раиси:

— Халқаро ҳуқуқ қоидалари асосида тузилган Ўзбекистон Конституцияси демократия ва ижтимоий адолат олий мақсадларини эълон қилди. Республикада демократия умумбашарий қоидаларга асосланганги, бу қоидаларга мувофиқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шарафи, қадр-қиймати олий қадрият эканлиги Асосий Қонунда таъкидланган.

Бу қоидалар амалда рўёбга чиқиши учун мамлакатимизда яшовчи барча кишиларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш зарур. Шунинг учун ҳам республикада миллатлараро тотувлик вазияти сақланаётгани жуда муҳим. Конституция ана шу тотувликнинг гаровидир. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида бу ерда яшовчи турли миллатларнинг вакиллари биз ягона халқ эканимизга, биз — ўзбекистонликлар эканимизга амалда ишонч ҳосил қилишди. Халқ фаровонлигини ошириш Президент Ислом Каримов ўтказаётган сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиб қолди. Ана шу мақсадга эришиш учун республика — умумий хонадонимиз эканини, унинг келажаги ҳар биримизга боғлиқлигини англаш муҳимдир. Ўзбекистонлик беларуслар номидан айтаман: фарзандларимиз туғилган ва ўсаётган шу ажойиб сахий диёрни севамиз. Шу боис унинг гуллаб-яшнаши учун ҳамма ишни қилишга тайёрмиз.

Ҳозир Ўзбекистонда 20 минг нафардан ортиқ беларус яшайди.

Марказимизнинг мақсади уларнинг ҳар бири миллий маданиятимизга мансублигини ҳис этишига ёрдам беришдан иборат. Бу ишда биз ҳам ҳукуматнинг, ҳам байналмилал маданият марказининг мададини мунтазам ҳис этиб турибмиз. Яқин вақт ичида кечки беларус тили мактабида машғулотларни бошлашни режалаштиряпмиз. Бунинг учун барча зарур адабиётлар мавжуд. Уларни Беларуснинг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдами туфайли Минскдан юборишган. "Сиреневие зори" беларус маданияти кечалари анъанага айланди. Бу кечаларга жуда кўп одамлар келмоқда. Яқинда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг беш йиллигига бағишлаб учрашув ўтказдик. Унда марказимиз фаоллари, республика санъат арбоблари, Тошкентдаги кўпгина маданият марказларининг вакилларии иштирок этди. Бу ҳам Конституция асосида миллий давлатни тиклаш ғояси Ўзбекистонда тинч яшаб, меҳнат қилаётган барча миллат вакилларига ўз маданиятларини сақлаб қолишга имкон бераётганининг яна бир далилидир.

Ёзиб олувчи Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ ҚАТЪИЙ ҲИСОБГА ОЛИНСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларда текшириш материалларини кўриб чиқиш натижасида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш юзасидан тегишли чораларни кўрмагани учун 80 нафар раҳбар ва мансабдор шахс маъмурий тартибда жазоланди, 35 киши эса вазифасидан бўшатилди, энергия ресурсларидан фойдаланишда тартибни атайлаб бузиш ҳоллари тўғрисидаги материаллар тергов органларига топширилди.

Комиссия энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш чораларини кўрмагани, масъулиятсизлиги учун "Ўзгўштсутмахсустранс" бош директори П. Рашидов, Сурхондарё вилоятидаги "Чорвадор" корхонаси раҳбари Р. Шарапов, Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги "Ўзгўштсутсаноат"га қарашли "Бўстон" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси И. Холбўтаев, Самарқанд вилоятидаги "Булунғуртумангаз" газ-сотиш идораси бошлиғи С. Мамаюсупов, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг"га қарашли "Тошкентвино" очиқ турдаги акциядорлик жамияти раҳбари М. Аҳмедовларнинг шахсий жавобгарлигини ва уларнинг эгаллаб турган лавозимига мослиги ёки мос эмаслигини кўриб чиқишни тавсия қилди.

Мажлисда вилоятларнинг ҳокимликлари табиий газдан фойдаланганлик учун қарзларни тўлаш юзасидан тегишли чораларни кўрмаётгани, бунинг оқибатида аҳолидан 1,1 миллиард сўмдан кўпроқ қарз ундирилмагани таъкидланди. Андижон вилоятида табиий газ учун тўланмаган қарзлар, айниқса, кўп — 216 миллион сўмни, Тошкент вилоятида 195 миллион сўмни, Бухоро вилоятида 175 миллион сўмни, Хоразм вилоятида 150 миллион сўмни, Жиззах вилоятида 99 миллион сўмни, Самарқанд вилоятида 77 миллион сўмни ташкил этади.

Комиссия Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳокимликларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари энергиядан оқилона фойдаланиш, уй-жойлар ва ижтимоий-маданий иншоотларда сув ва газ сарфини ҳисобга оладиган асбобларни ўрнатиш ва уларни ишлатиш чора-тадбирлари бажарилишини етарли даражада таъминламаётганига эътиборни қаратди. Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва бу тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси юкланган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари бу борада қатъият билан ҳаракат қилмадилар. Хусусан, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг", "Ўзсувхўжаликқурилиш", "Ёғмойтамакисаноат", "Ўзгўштсутсаноат" тизимларига қарашли корхоналар ва ташкилотларда, "Оби ҳаёт", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзагротранс" компанияларида шундай бўлмоқда.

"Ўзкимёсаноат", "Ўзбекмебел", "Ўзқурилишматериаллари", "Ўздонмаҳсулот" корхоналарида комиссиянинг газдан фойдаланувчи асбобларда тартибга солиш-созлаш ишларини бажариш ва газдан фойдаланишни камайтириш юзасидан чиқарган қарори тўла бажарилмаяпти.

Комиссия Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ҳокимликларига, вазирликлар ва идораларга энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари бажарилиши устидан назоратни кучайтиришни тавсия қилди, бир қанча раҳбарларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари А. Муҳиддинов, Қ. Ҳаққулов, К. Раҳимов иштирок этди.

(ЎзА).

● **ШУКРОНА**

МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

Мамлакатимизнинг эзгу байрамларидан бири—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги арафасида Вазирлар Маҳкамасида жамиятимизнинг илғор кишиларидан бир гуруҳига 1997 йилги юксак ҳукумат мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросимда ҳурматли адабиётшуносимиз Озод Шарофиддинов халқимизнинг чиройли одатини эслатиб, бу юксак унвонлар, орденлар, медаллар мамлакатимиз раҳбариятининг мукофот соҳибларига айтган «Хорманглар!»идир, дедилар. Бу — гоятда адолатли, ҳикматли рамзий фикрдир.

«Инсон манфаатлари йили» деб ном олган 1997 йилда давлатимиз йўлбошчиси, муҳтарам Ислом Каримов ва ҳукуматимиз томонидан айнан шу таборрук «Хорманглар!» сўзининг юксак маъносини берадиган, халқимизнинг кўнглидан келиб чиққан, жамиятда кенг ижтимоий миннатдорчилик ҳис-туйғуларини уйғотган бундай инсонпарварлик тадбирларининг анчаси ҳаётга жорий этилди. Яқинда юртбошимизнинг имзоси билан матбуотда эълон қилинган «Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари таркибининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги ҳукумат қарори ана шу халқона каломнинг навбатдаги гўзал бир ифодаси бўлди.

Умуман, кечаётган йил мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбияни такомиллаштириш бобида туб бурилиш йили бўлди. Олий Мажлисда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» каби узоқ истиқболни кўзлаб қабул қилинган тарихий аҳамиятли ҳужжатларнинг моҳияти бебаҳодир.

Ҳар бир давлат ва жамиятнинг тараққиёт даражаси — ундаги кадрларнинг билими, маҳорати, малакаси, Ватан ва халқ ишига садоқати билан белгиланади. Бугун бундай кадрларни тарбиялаб етиштиришга катта аҳамият берилмоқда.

Тўғри, биз мамлакатимиз тараққиётининг «ўтиш даври» деб аталган тарихий ўзига хос босқични бошдан кечираяпмиз. Бу — қийин, турли мураккабликлардан холи бўлмаган, гоҳида инсондан матонат, қатъият ва олий тамойилларга астойдил ишониб, интилиб, шу асосда тўғри йўлдан адашмасдан, тоймасдан, эртанги кунга комил ишонч билан олға боришни талаб қиладиган бир даврдир. Ёмони суст, иродаси заиф, дунёқараши собит бўлмаган одамлар бу давр синовларига бардош бера олмай, маънавий камолат, зиёлилик билан яшаш йўлидан тойиб, майда манфаатларга тобе бўлиб қолишлари ҳам мумкин. Бундайлар ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидай, таълим-тарбия дунёсида ҳам учраб туради. Аммо айнан шу ҳолатда ҳам ривожланишнинг шафқатсиз ва одил бир ҳақиқати бор. Халқимизда: «Мард майдонда синалади» деган нақл учрайди. Ўз касбига садоқатли, жамиятнинг келажаги бўлган ёшларни тарбиялашдек эзгу фаолиятни ҳаётининг шукуҳи, бош мазмуни деб билган фозил табиатли, теран зиёли руҳли мураббийларимиз бахтимизга кўпчиликни ташкил этади ва улар ҳозирги қийинчиликлар дарҳақиқат ўткинчи, вақтинча эканлигини, якин келажакда ҳамма ишлар ўз йўналишига тушиб кетишини ҳис этадилар.

Тўлқин МИРКОМИЛОВ,
Тошкент давлат техника университети ректори, академик.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги кунда Асосий Қонунимиз чин маънода халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирувчи буюк ҳужжат мақомига эга бўлмоқда. Шу боисдан ҳам унинг давлатимизни давлат, миллатимизни миллат сифатида қарор топтириш ва жаҳонга таништиришдаги роли беқиёсдир.

Конституция ҳақида гапирганда, уни давлат ва жамият ривожининг кўпқиррали олий Дастури, инсон ҳуқуқи, эркинлиги ва манфаатларини акс эттирувчи ва кафолатловчи мустаҳкам Қалъа, деб ҳеч шубҳасиз таърифлаш мумкин. Зеро, мустақиллик йиллари давомида иқтисодий ва сиёсий ҳаёт, давлат қурилиши ва халқаро алоқаларда қўлга киритилган ғалабалар ва амалга оширилаётган кўламли ишлар Асосий Қонунимизда ифодаланган қоида ва принципларнинг қанчалик ҳаётий эканлиги исботидир.

Конституциямизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш асосий мақсадимиз эканлиги алоҳида таъкидланган. Хўш, унинг асосий тамойиллари нималардан иборат? Қомусимизда бу масалалар оддий ва аниқ қилиб ифодаланган. Чунончи, ҳуқуқий давлат моҳиятини ифодалайдиган муҳим белги — Конституция ва қонунлар устунлигининг сўзсиз тан олинишидир. Давлат ва жамиятни маъмурий-буйруқбозлик кўринишидаги давлат бошқарувига қарши қўювчи бу принцип Конституциянинг 15-моддасида ўз аксини топган. Унга биноан давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистонда қонунлар устуворлиги принципи тўғрисида гапирилганда бир нарсага эътибор бериш керак.

Собиқ СССРнинг ҳуқуқий ҳаётида юридик куч жиҳатидан қонунлардан паст бўлган қонун ости ҳуқуқий меъёрларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги роли қонунларга нисбатан баланд эди. Ўзбекистон мустақилликка эришиб, Конституцияда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва бундай давлатнинг асосий тамойилларидан бири — қонунлар устуворлиги деб белгиланганч, «қонун ости меъёрларининг» ҳукмронлик даври тугатилди. Эндиликда ижроия органлар қонунларга қўшимчалар эмас, балки қонунларнинг ижросига оид ҳужжатларни қабул қилмоқдалар.

Конституция ва қонун устуворлиги принципи яна шунда ифодаланадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун қабул қилиш йўли билан тартибга солинади. Шу боисдан ҳам мустақил давлатимизнинг қисқа тарихи мобайнида қабул қилинган қонунларнинг сони 200 тадан ошиб қолди.

Буюк бобомиз Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, ўша ерда эркинлик бўлади», — деган башорати Конституцияда белгиланган қонунлар устуворлиги принципига ҳамоҳангдир. Давлатимизда бу принципга сўзсиз амал қилинаётганлиги халқнинг маъмурий-буйруқбозлик тарзида бошқариш салбий оқибатларидан бутунлай озод қилинганлигида ўз ифодасини топади. Бундай ҳолат шу нарсада кўринмоқдаки, агар Ҳамдўстлик мамлакатларининг айримларида давлатни ҳуқуқий давлат, деб эълон қилишларига қарамасдан, мавжуд қонунларни бекор қилишлари, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари оддий ҳолга айланиб қолган бўлса, бизда бундай амалиёт кузатилмайди. Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати аксарият масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали амалга оширишни лозим кўрадилар. Шу жиҳатдан Президентимизнинг таклифи билан қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича янги қонунлар қабул қилиш ва мавжуд қонунларга ўзгартиришлар киритиш бўйича давлат комиссиялари тузилганлиги ҳамда бу комиссиялар ишлаб чиқаётган қонун лойиҳалари Олий Мажлис навбатдаги сессияси кун тартибига қўйилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Конституцияда акс эттирилган ҳуқуқий давлатнинг тамойиллари изчил бажарилишидан ташқари, улар кейинги пайтларда қабул қилинаётган қонунларда янада ривожлантирилмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»да ўрин олган меъёрларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Эътибор қилинг. Ушбу Миллий дастурда белгиланишича, «Инсон—давлат» муносабатларида устуворлик инсонга тегишли; давлат ҳокимияти органларининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилиши керак; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан бошқарув ҳамда назоратнинг янги самарали воситаларини шакллантириш лозим; ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс ва инсон қонунга бўйсуниш мажбуриятларидан озод қилиниши мумкин эмас; ҳар бир кишининг қонунийлик ва адолат тантана қилишига бўлган қатъий ишончи шунга асосланиши керакки, қонунни бузган шахс жазосиз қолмайди ва ҳар ким бузилган ҳуқуқи тикланишини ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт тамойилларини ўзида ифода этган, ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўлларини аниқ белгилаб берган ҳамда бу борадаги изчил саъй-ҳаракатларни таъминлашга негиз бўлаётган мустаҳкам пойдевордир.

Йўлдош ЖЎРАЕВ,
Юридик фанлари доктори.

ЯНГИ ДАВР

Ҳар бир ишда, ҳар бир қадамда онгли муносабат керак. Отдан тушилса-да, эгардан тушмай туришликдан воз кечилиши лозим. Барқарор жамият, тараққий этаётган жамият фақат онгли муносабатларга асосланади.

Учинчидан, ҳар бир кишида шакллланган ва янги замон талабларига жавоб берадиган дунёқарашни шакллантиришга эришиш лозим бўлади. Дунёқараш бу — инсоннинг жамиятдаги ўз ўрни, воқелик ва ўз-ўзига бўлган муносабати ҳақидаги тасаввурлар тизимидир. Бошқача қилиб айтганда, дунёқараш бу — инсоннинг дунёни маънавий-амалий ўзлаштиришининг асосий усулидир. Айни пайтда дунёқарашни мафкуралаштиришдан чекиниш лозим. Ўтган тоталитар жамиятда дунёқарашни мафкуралаштиришга зўр берилди. Оқибатда ҳамма қолипли қарашларнинг қулига айланди. Лекин, биз барпо этаётган жамиятда муайян дунёқарашни ёппасига тиқиштиришга интилмаслик лозим.

Бизда дунёқарашлар ранг-баранглигига ва умуминсоний масалаларда уларнинг уйғунлигига эришишга асосланилади. Баъзилар дунёқарашнинг ранг-баранг бўлишлигидан чўчийдилар. Бу эскича фикрлашдир. Ваҳоланки, дунёқарашлар ранг-барангли жамиятни турғун ҳолатга тушиб қолишликдан сақлайди.

Мустаҳкам, тизимли дунёқараш билан мафкуралаштирилган ақидаларни фарқлаш лозим бўлади. Эътиборли дунёқараш ўзида инсониятнинг ўтмиш ва бугунги тажрибаларини уйғунлаштирса, мафкуралаштирилган ақидалар эса фақат муайян муҳитнинг эҳтиёжларига хизмат қилади, холос. Шу маънода тизимли ва шакллланган дунёқараш асосида барқарор ривожланиш ва инсон фаровонлигига йўналтирилган фалсафий тушунчалар ётади.

Бизнинг узоқ муддатли ўтмиш ва истиқлолдан кейинги қисқа даврдаги тажрибаларимиз кўрсатадики, мустаҳкам дунёқараш дарҳол ҳосил қилинмайди. У тизимли равишда, инсоният тажрибаларини уйғун тарзда қабул қилиш ва ўзлаштириш натижасида юзага келади. Бунинг учун йўналтирувчи маънавий асосларни тақдим қила бориш лозим бўлади. Ҳозир биз икки тажрибани кузатиш имкониятига эгамиз: биринчиси, асрлар мобайнида Шарқда кечган дунёқараш тизимини кузатиш. Бу билан халқимиз табиати, орзулари ва руҳияти кашф қилинади. Иккинчи, бутун инсоният тажрибасида кечган дунёқараш тизимини кузатиш. Бу билан жаҳон тараққийчилиги аҳволидан хабардор бўлинади. Демак, бизда тажрибаларнинг илғор жиҳатларини уйғун ҳолда ўзлаштириш ва ўрганиш имконияти мавжуд. Дунёқараш масаласида, айниқса, қолипли изинлардан чекиниш лозим бўлади. Дунёқарашни шакллантиришда инсоннинг маънавий дунёсини ҳисобга олиш муҳимдир. Заминдан узилган, ҳавойи қарашларнинг тизими ҳеч кимга керак эмас.

Ҳаётнинг ўзи дунёқарашдаги сохталикларни ислоҳ қила боради. Айниқса, соғлом жамиятнинг ўзи ноинсоний ҳаракатларга йўналтирилган дунёқарашни дарҳол рад этади. Бу инсоният тажрибаларида кўп кузатилган. Шу маънода бизнинг жамиятимизда гуманистик ғояларни бирламчи манба сифатида қабул қилувчи дунёқараш тизими шакллана бошлади. Бу ҳол бизнинг ҳозирги саъй-ҳаракатларимизда ҳам кўриниб турибди.

Буларнинг барчаси янгича тафаккур тарзини шакллантириш учун йўналтирувчи унсурлар бўлиб хизмат қилади. Бунда кишининг фикрлаш, онгли ҳаракати ва мустақил дунёқарашидан жамият тараққиётига қараб борилади. Жонли шахслар жами соғлом жамиятни ташкил қилади. Инсонда яратувчанлик ҳисси бўлгандагина тараққиёт юзага келади. Шу сабабли янгича тафаккур-тараққиётнинг эҳтиёжи сифатида қабул қилинмоқда.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш лозим: бизда инсоний маданиятларга асосланган тафаккур тарзи шакллантирилиши керак. Инсон камолоти ва фаровонлигига хизмат қиладиган ҳар қандай фикрлар тизими назардан четда қолмаслиги лозим. Лекин ўзга ижтимоий муҳитлар ҳисобга олиниб, ишлаб чиқилган турли моделларга ошуфта бўлиш билан иш битмайди. Ҳар бир халқнинг ўз тажрибасида тараққиётнинг турли моделлари асрлар давомида шакллланган. Бизнинг халқимиз ҳам бундан бебаҳра эмас. Унинг тафаккурий меросида бугунги муаммоларни ҳал этишда асқотадиган, тажрибада синалган ҳақиқатлар кўпдир. Фақатгина уни сезиш, ўрганиш ва ўзлаштириш лозим бўлади. Халқимиз табиатан ҳушёр ва зийрак халқ. Шу маънода унинг овозига қулоқ солиш тафаккур бобида турли ёқларга ўтлаб кетишдан сақлайди.

Биз истиқлолдан кейинги йиллар давомида анча ишларни амалга оширишга муваффақ бўла олдик. Ҳаётнинг ўзгариши билан кишиларнинг тафаккур тарзи, муаммоларга ёндашиши ва уларга муносабати ўзгара бошлади. Ўзликни англаш, турли ғаразли мақсадларга йўналтирилган тушунчаларни рад этиш ва ғоялар «ёмғири»га дучор бўлишдан сақланиш борасида анча ишлар амалга оширилди. Бироқ бу ҳали кам. Биз эркин ва озод яшашимиз, дунё муаммоларини ҳал этишга ҳисса қўша олишимиз лозим. Миллий тафаккур бу — мутлақо янги тушунчаларни, қарашларни қабул қила олувчи фикр тизимидир. Мутелик, хўжакўрсинлик ва лоқайдлик иллатларини рад этувчи турмуш тарзи миллий тафаккур тарзига замин ҳозирлайди.

Гап янгича тафаккур тарзи хусусида борар экан, бир ҳолатни қайд этиб ўтиш лозим. XX аср инсоният тарихида руҳий, ахбор муносабатлар асри бўлиб қолди. Айниқса, аср ниҳоясига етган сайин бу муносабат фаоллашиб бормоқда. Албатта бу муносабатларда ижобий жиҳатлар устувор. Айни пайтда муайян муҳит ва ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ифодаловчи фикрларни экспорт қилишга уриниш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Айниқса, бу ҳол янги мустақил давлатларнинг ҳудудларига олиб киришга уринилмоқда. Баъзи фикрий гегемонликка интилиш ҳолатлари сезилмоқда. Эндигина янги бир жамият қуришга киришган халқларнинг ўтмиши бошқа мақсадларни кўзлаб тафтиш қилишга уринилмоқда. Дунё миқёсида бундай фикрий қараш тарқатишга мўлжалланган турли марказларнинг ишлаб турганлиги сир эмас. Матбуот воситалари орқали ва турли адабиётларни тарқатиш билан муайян фикрий гегемонликка интилишдек салбий ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Бундан ташқари, муайян халқларнинг тафаккурий тажрибаларини худди бугун ўзлари кашф этган ҳақиқатлар тарзида тақдим қилиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Бугун бир гуруҳ зиёлиларимизнинг XX аср Ғарб фалсафаси тамойилларини мутлоқ ва янги тушунчалар сифатида тақдим қилишга мойиллиги бор. Шу асосда ўнта эски диссертациядан ўн биринчиси ҳам баъзида «яратилади». Бу тарихан шакллланмаган ўз тафаккур тарзидан бехабарликдир. Чунки XX аср тафаккур тарзи кўп ҳолларда ўтмиш, айниқса Шарқ тафаккур тарзининг тажрибаларини ўз тилида баён қилиш билан шуғулланди. Бундай салбий ҳолатларнинг шакллланаётган янгича тафаккур тарзига бўладиган таъсири эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундан сақланишдаги энг таъсирчан восита тафаккурда миллий ва умуминсоний тушунчаларга асосланишдадир. Фикрий маҳдудлик ҳам, фикрий лўттибозлик қилишлик ҳам ўзини оқламайди.

Жамиятда тараққий ҳолатнинг тадрижини таъминлаш учун берилган имкон ва мавқелардан ўринли фойдаланиш лозим бўлади. Ҳар бир кишининг фаолиятини умумманфаатларга йўналтиришга эришиш шарт. Лоақал инсон нима учун яшаётганлигини ва ўзгалар учун қандай манфаат келтираётганлигини ҳис қилмас экан, тараққиёт тўғрисидаги тушунчалар ва ҳаракатлар ғоялигича қолиб кетаверади. Тажрибаларнинг илғор жиҳатларини ўзлаштириш инсоний кайфиятларни эътибордан соқит қилмасликдан бошланади. Тоталитар тузумдан кўп ҳолатлар ва тушунчалар мерос қолган. Шулардан бири сиёсий маданият тушунчасини тўғри тушуна олмасликдир. Оддий инсоний ахлоқдан бошланувчи бу тушунча ҳам ўз вақтида ўта даражада мафкуралаштирилган эди. Бугун эса янгича бир шакл билан ўзлаштирилиши керак бўлади. Сиёсий маданият тушунчаси энди жамиятда фаол ҳаракатда бўлишликни ифодалаши керак. Бунда ахборотлар жараёнини кузатиб бориш ва уни таҳлил қила олиш катта аҳамиятга эгадир. Ҳозир дунёда ахборот алмашиниш тажрибаси оммавийлашиб бормоқда. Бизнинг жамиятга ҳам ахборотлар тўлқини кириб кела бошлади. Лекин ҳамма гап уни таҳлил қила олишга боғлиқдир. Шу маънода сиёсий маданиятга эга бўлиш фикрлашга, воқелик ва ҳодисаларга онгли муносабатда бўлишликка ҳамда тизимли дунёқараш ҳосил қилишга бошлайди. Бу ҳар бир кишининг мақсадли ҳаракат қилиши учун замин ҳозирлайди.

Янгича тафаккур тарзи ўша сиёсийлашиш ёки мафкуралашишдан холи бўлган тушунчадир. Унинг замирида жамият аъзоларининг ҳар бирини манфаатлари ўз аксини топган бўлмоғи керак. У жонли турмуш-тарзга, кишилар орасида жонли муносабатларнинг юзага келиши учун замин ҳозирлайди. Эски тоталитар тузумнинг ҳавойи ғояларини, қолипларини байроқ қилиб олишдан сақлайди. Ҳеч ким пайғамбарона қараш билан туғилмайди. Айни пайтда барча лоқайдлик ҳислари билан ҳам дунёга келмайди. Киши ўз устида ишласагина, муайян мақсадларга интилсагина Худо баракат беради.

Бировни дарҳол тафаккурли қилиб қўйиш мушкул. Шунингдек, бировнинг тафаккурини шакллланишига кўмаклашиш ҳам қийин иш эмас. Шу маънода манфаатлар муштараклигига эришиш зарурий бир ишдир. Ҳар бир киши ўзини жамиятнинг бир бўлаги, аъзоси ва шу билан шахс сифатида ҳис қилгандагина, янгича тафаккур тарзини мавҳум тушуниш ёки уни суистъмол қилишдан сақланади. Бу тушунча фақат жамият ва инсон манфаатларини қониқтирувчи эҳтиёжларга айлангандагина, у тез шакллланади ва яшовчанлик касб этади. Бу тушунча фақат жамият ва инсон манфаатларига хизмат қилсагина реалликка айланади. Шунда инсон бугун ва эртани бир бутунликда кўради. Ўтган ҳавойи тушунчалар таъсиридан тез қутула боради. Бу инсониятнинг тадрижий ривожидаги асосий омилларидан биридир.

Рустам ЖУМАЕВ,
Сиёсий фанлар доктори, Олий Мажлис депутати.

• ЎЗЛИКНИНГ ЎЗАНИ ҚАЕРДА?

Бугун ўтган йилларимни эсласам, нахотки шу даражада яшаганман деб ич-ичимдан хўрсиниб кўяман. Даб-дурустдан ўзимга ўзим савол бераман. Нега? Менинг ҳукуқим, ўзлигим қаерда эди?

Бунинг бош сабаби, бир умр трамвай дугасига ўхшаб бир чизиқда юрганим эмасми? Боз устига ҳар қадамда кўркув. Ҳар қадамда чўчиш. Ҳозир у кунларни аламли кулгу аралаш эслаяпмиз. Оёқларимиз чалишиб кетмаганига шукур...

БОЛАЛИКНИНГ ЧЕКСИЗ ИМКОНИ

Мактабда ўқиб юрганимда ўқитувчиларимиз ҳар икки гапнинг бирида «Халқаро тил — бу рус тили, шуни билсанг дунёга чиқасан», деб қулоғимга қуярди. Биздақа қишлоқилар иложи борича рус тилида гапиришга, русча китобларни кўпроқ ўқишга уринардик. Ўзбекча сўзлашни қўяверинг, ўша йилларда ҳам мактабларда инглиз, фаранг, немис тиллари ўргатиларди. Биз эса шуям тил бўлдими, деб бу дарсларга бефарқ қарардик. Ёки очиқчасига дарсдан қочардик. Кейин ТошДУга ўқишга кирдик... Тил масаласида мактабдаги аҳвол такрорланди.

Қишлоқдан келган амаким билан шаҳар кўчаларида юрар эканмиз у:

— Э, товба, — деб ёқа ушлади.

— Сизга нима бўлди? — сўрадим.

Амаким онаси билан русча гаплашиб кетаётган муштдек болага ишора қилди.

— Қара, жиян, анови рус боласига, онаси билан бемалол гаплашиб кетаяпти. Мен бўлсам ўшанчалик ҳам гапиролмайман.

— Ахир онаси рус бўлгач, боласиям ўша тилда сўзлайди-да.

— Кичкинагина боши билан равон гапиришини кўрмайсанми.

Кўп кўрганман. Боласи бир тилда, ота-онаси иккинчи тилда гапирганларни. Амаким ҳам машҳур домлам маслаҳатини берди.

— Жиян, катта шаҳарда яшайсан. Лекин тилини пухта ўрган. Ўшанда одам бўласан...

Дунёда тилинг эркин бўлиши керак экан. Ана ўшанда тилинг манман деган тилларга эрк беради. Мен бугун ана шу рўшноликни кўряпман. Боғча боласи бугун инглиз тилида бемалол гапираяпти. Ота-оналар боласини ўқитиш учун мактаб, лицей, коллеж танлаяпти.

Кўтарилиш, ўзликка қайтиш деб ана шунга айтадилар. Кўтарилиш мана бу йил ўз мевасини берди. Йўлбошчимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Умид» жамғармасининг фаолиятида бу яққол кўринди. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси танлови билан бу йил бир даста ўғил-қизларимиз Америка, Англия, Франция, Япония, Германия олий ўқув юртларига ўқишга жўнаб кетди. Йўлбошчимиз бу ёшларга оталарча ғамхўрлик билан табрик йўллади. Матбуотда эса «Умид» жамғармаси Бошқаруви 1998 — 1999 ўқув йилида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Испания ўқув юртларида ўқиш, бакалавр, магистр даражасини олиш ва тажриба орттириш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантларига эга бўлиши учун 500 совриндор ўринга танлов босқичлари бошланишини эълон қилди.

Сезаяпмизми-сезмаяпмизми, Мустақиллик болаларимиз чеҳрасини ёритди, уларнинг йўллари, ўйлари ойдинлашди. Бизнинг болалигимиздаги биқиқлик-сиқиқлик тамоман уларга ёт. Миллат болалари парвоз қилмоқда.

КИТОБ — ОФТОБ

Китобни ота-боболаримиз бир умр офтобга қиёслаганлар. Унинг нуридан баҳраманд бўлганлар. Қишлоғимизда китобхон чол бўларди. Кўча-кўйда ётган қоғозни кўриб қолса, чангини қоқиб белбоғи қатига қистирарди. Таажжуб билан қарасак, дона-дона қилиб тушунтирарди:

— Болам, эсингда тут. Қоғоз ҳам, нондай азиз. Чунки унга Оллоҳнинг каломи ёзилган. Ҳуда-беҳуда жойга ишлатиб бўлмайди. Гуноҳ бўлади. Шунинг учун мен уларни териб юраман.

Чолнинг уйида китоб кўп эди. Бозорма-бозор, уйма-уй юриб йиғарди. Бизнинг замонда унақаларни китобсевар дейишади. Ана шу китобсевар чол кўп ўқирди. Биздақаларни йиғиб эртагу ҳикоялар айтиб берарди. Ярим-ёрти йиққан қоғозларига урушга кетган оталаримизга бизларнинг номимиздан соғинчлик салом хати битарди. Бобомнинг бу чолга ҳурмати баланд эди.

— Китоб ўқиган одам ёмон бўлмайди, — дерди чолни менга ибрат қилиб, — сенам китобнинг изидан туш. Бизга ўхшаб қул бўлиб юрма. Саводсизлигимиз, дунёни танимаганимиз учун бу қўтир замон бизни истаган куйга солди, солаяпти.

Менинг авлодим сўз ҳам, қоғоз ҳам оёқ ости бўлган замонда яшадик. Кўрагимизга қанчалик уриб мақтанмайлик, панжаралар орасидаги ҳайқиригимизни ўзимиздан бошқа эшитмасди. Ниҳоят мустақиллик кунларига келиб темир парда кўтарилди. Ёзганимиз, тасвирлаганимиз фақат китобларда экани фош бўлди. Сохта қаҳрамонлар, ясама мақтовлар акс эттирилган асарлар аравадан тушиб қолди. Кутубхона токчалари энди уларни сиғдирмай қолди. Бу табиий ҳол. Албатта, ҳамма асарлар эмас. Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Зулфия, қўйингки, катта авлод, бугун тилга тушган адибларимизнинг китоблари ўрнида турибди. Китобхоннинг Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Омон Мухтор асарларидан рағбати қайтгани йўқ.

Болалар ёзувчиси сифатида айтишим мумкинки, бугун болалар Зафар Диёр, Султон Жўра, Қудрат Ҳикмат, Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев асарларини маза қилиб ўқимоқдалар.

Ўз-ўзидан айтиш керакки, ўқилаётган китоблар мулкимиз. Хўш, бугунги ҳаракатимиз қандай. Иқтисодий қийинчиликдан нашриётларимиз ҳамон чиқаётгани йўқ. Албатта, бу янгича яшашнинг бошланишидаги қийинчиликлар.

Яхши китоблар барибир нашр этилаяпти. Уч-тўрт йилдан бери республика Давлат Матбуот қўмитаси катта хайрли ишни бошлаб юборди. Мустақиллик даврида яратилган асарлар учун кўрик-танлов эълон қилди. Танлов натижасида катталар, болаларга бағишланган ўнлаб асарлар қўмита ҳисобидан чоп этилди. Муаллифлар пул ва ғолиблик дипломи билан тақдирланди.

Таъкиддан ният шуки, республикада ҳамёни баракага тўлиб бораётган корхоналар жуда кўп. Ана шулар бадиий асарлар нашрига озми-кўпми ҳомийлик қилса. Яна таклиф: болалар адабиёти нашрини республика Халқ таълими вазирлиги ўз ҳимоясига олиши керак. Ахир болалар ёзувчилари, шоирлари ҳам аслини олганда ўқитувчи, маърифатпарвар-ку!

Бор имкониятни ишга солиш деган иборамиз бор. Яшириш керакмас, ҳозирги кунда болаларга ҳам, катталарга ҳам бадиий асарлар кам чиқяпти. Бироқ яхши асарлар ёзилаяпти. Айтганимдек, кутубхоналар, айниқса, мактаб кутубхоналари бўшаб қолди. Энди шундай экан деб нолиб ўтириш керакми? Ҳозирда ҳар биримизнинг уйимизда доимий ўқиладиган китобларимиз йўқ эмас. Агар ҳар биримиз камида бир донадан боламиз орқали у ўқиётган синфга, мактабга дасхат ёзиб эсдалик китоби тақдим этсак, биласизми, қанча бадиий китоб йиғилади. Ўшанда деярли ҳар бир синфда синф кутубхонаси ташкил топади. Ўқувчилар синфлараро китоб алмашлаб ўқиганда ҳам, биласизми, қанча китобхон пайдо бўлади. Маънавият, маърифат маркази бевосита синфга кўчади.

Хайрли тадбир ҳар замонга ҳам мос келади. Шулардан бири — болалар китоби байрами. Назаримда бу байрамни ҳар йили апрель ойи бошида ўтказиш керак. Халқ таълими вазирлиги буни ўз оталиғига олса кўнгилдаги иш бўларди. Қайтанга ёзувчи билан ўқувчини боғловчи куч пайдо бўлади. Болалар ёзувчи, шоирлар билан учрашишга зор бўлиб қолди. Бу учун алоҳида қарор шарт эмас. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси билан ўзаро ҳамкорлик бўлса бас. Ана шундай ҳамкорлик йўлга қўйилса, қалам аҳли шаҳар кўчаларида димиқиб юрмайди. Қаламини савобли, шарафли ишга бағишлайди. Бугун Ўзбекистон ўз қаҳрамонларига эга. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, таълим-тарбияда тасаввур қилиб бўлмайдиган ўзгаришлар юз бермоқда. Бугун Ўзбекистон илҳом манбаига айланди. Қишлоғимдаги саводли чолга ўхшаб, оқ қоғозни хайрли ишларга бағишлаш даври келди.

Болалар китоб ўқиши билан, ота-онаси, тенг-тўшлари билан маданий ҳордиқ чиқариши ҳам зарур. Демак, дам олиш, китоб ўқиш даври бир-бири билан боғлиқ. Бири иккинчисини тўлдиради. Шундай экан, ким айтиб беради, республикамизда ўрнак қилиб кўрсатадиган, мақтангулик нечта махсус болалар боғи бор? Тошкент шаҳридаги Зафар Диёр номли болалар дам олиш ва истироҳат боғини мисол қилиб кўрсатадиган бўлсангиз, аввало, бу маскан бир чеккада. Узоқлиги, ноқулайлиги бир томонда. Ташвишлантирадиган жойи шундаки, бу ердан болалар шовқини эмас, эртаю кеч эгаси билан сайрга чиққан итларнинг ҳуриши эшитилади.

Шаҳримиз марказида жойлашган иккита йирик китоб дўконини эса супермаркетлар суриб чиқарди. Уларнинг бири Архитекторлар уюшмаси билан ҳамдевор бўлса, бошқаси Ҳамид Олимжон ҳайкали қошида эди.

Гап болалар адабиёти ҳақида кетар экан, энди унга эътибор кучайиши керак. Болалар газета-журналлари давлат тасарруфига ўтгач, иш яна силжиди. Энг яхши асарлар дунё юзини кўра бошлади. Бироқ уларнинг тарғиботи ҳамон оқсаяпти. Ўзбекистон телевидениесида «Ёзувчилар — болаларга», «Шоирлар — болаларга» деган махсус кўрсатувлар бўларди. Ана шу тажрибадан фойдаланиш мумкин эмасми?

Мустақиллик туфайли буюкларимиз номида адабиёт-санъат асарлари учун бир қатор давлат мукофотлари таъсис этилди. Болалар адабиёти учун ҳам шу қаторда алоҳида ўрин бўлиши керак.

ЎҚИГАНЛАР ҚЎЛ КЎТАРСИН!

Ўтган йили Тошкентдаги нафис санъат лицейида навбатдаги республика ижодкор ўқувчиларининг йиғини бўлиб ўтди. Анъанага айланган бу йиғин анча-мунча ижодкор болаларни топди. Кўпчилиги лицейга қабул қилинди. Тўпланганлар Абдулла Орипов, Йўлдош Сулаймон, Тоҳир Малик каби ёзувчилар суҳбатидан баҳраманд бўлишди. Ижод сирларини ўрганишди.

Ушбу йиғинда «Гулхан» журнали ходимлари билан учрашув ўтказдик. Ҳар бир муҳаррирнинг дарди битта. У чиқараётган нашрга ўқувчиси қандай баҳо бераяпти? Мен ҳам шу ниятда ўтирган ўқувчилардан сўрадим.

Қани айтинглар-чи, «Гулхан»га ким обуна бўлган, ўқиганлар қўл кўтарсин!

Жавоб бўлмагач, яна сўрадим.

— Бу яқин орада ким қайси китобни ўқиди?

На уларни вилоятдан етаклаб келган раҳбардан, на бирор ўқувчидан садо чиқди. Қизиғи шундаки, бу гал ҳам лицейда ижодкор, шеъру ҳикоя ёзадиган болалар йиғилганди.

Бу ҳолни қандай шарҳлашни ҳам билмайман. Нахотки болаларни Тошкентга бошлаб келган бошчи, «болам, сени ижодкорлар анжуманига олиб бораяпман, қани, айт-чи, қайси китобни ўқидинг, нимага обуна бўлдинг?» деб йўл олдидан сўрамаган бўлса. Бу ўринда тарғибот-ташвиқот ишларининг сусайиб кетганини тан олишимиз керак.

Бугун ўзликка қайтиш ҳақида кўп гаплар айтилаяпти. Буни учун, энг аввало, болаларимизнинг маърифий тарбиясини кучайтириш лозим. Энг ёруғ йўл ҳам шудир.

Сафар БАРНОЕВ.

Байрам оши ширин-да. **А. ТЎРАЕВ сурат-лавҳаси.**

ҲУҚУҚ ВА МАЪНАВИЯТ

Бир қарашда, булар бир-бирига унчалар яқин бўлмаган тушунчалар бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ моҳият эътибори билан уларнинг иккиси ҳам шахс такомилини билдиради. Чинакам маънавий баркамолликка эса ҳуқуқий маданият равнақисиз эришиш сира мумкин эмас.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамкорликда Конституциямиз қабул қилинганининг беш йиллигига бағишлаб ўтказган семинар кенгаш айни ана шу — «Конституция ва ҳуқуқий маданият» мавзуига бағишланди.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг раҳбари Неъмат Аминов, Ўзбекистон Судьялари ассоциациясининг раиси Абдул Тўхташев, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги қонунчилик муаммоларини тадқиқ қилиш ва прокуратура, тергов ходимлари малакасини ошириш марказининг масъул ходими Шарифжон Ражабов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг профессори Темур Жўраев, шунингдек, халқаро масалалар бўйича шарҳловчи Қобилбек Каримбековларнинг чиқишларида Конституциямиз моҳияти, аҳамияти ҳақида сўз борди, унинг айрим бандлари махсус шарҳланди, баъзи кишилардаги бефарқлик кайфияти танқид қилинди, маънавиятни ўстириш, ҳуқуқий маданиятни юксак даражаларга кўтариш учун қонунларимизни ўрганишни кенг халқ оммаси орасида тарғиб ва ташвиқ этишга чақирилди.

Зиёда ҒАФФОРОВА.

АПКОСУЛ
гепатитдан ва сурункали ичкиликбозликдан жигар хасталанишидан, сақлайдиган восита
Шаҳар дорихоналаридан сўранг
ар Гаржанта фарма лимитед

(Газетанинг навбатдаги сони 10 декабрь, чоршанба куни чиқади).

СП "интерМЕД-Экосан"
Ташхис асбоб-ускуналарини таклиф этади:
- ректоскоп;
- цистоскоп;
- бронхоскоп;
- гастродуоденскоп;
- УЗД;
- ренгенпленкасини 30х40 см, 100 та варақ 18.500 сўм нархида (Германия).
Ҳамда: таҳлил, жаррохлик, физиотерапевтик ва стоматологик асбоб-ускуналарини таклиф этади.
Буюртма асосида ишлаймиз. Улгуржи харидорлар учун нархлар арзонлаштирилади.
Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Азимов кўчаси, 63-уй. "интерМЕД-Экосан" дорихонаси.
Тел.: 136-29-26.

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ДУНЁ БИЛАН ТИЛЛАШУВ

Ўзбекистон бугун жаҳон билан бевосита мулоқот қилмоқда. Мамлакатимизнинг юзлаб хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги кун сайин ўсяпти. Халқаро кўшма корхоналар, банкларнинг ваколатхоналари, тижорат фирмалари кўпайиб бормоқда.

Дунё билан бундай кизғин алоқалар халқаро сиёсий таржимонликни хозирги ижтимоий хаётимизнинг энг муҳим, энг масъулиятли мутахассисликларидан бирига айлантирди.

Турган гап, бу биз учун нисбатан янги касбдир. Собик совет даврида биз хорижликлар учун кизил империянинг бир бўлаги эдик, холос. Ўзбекистонга муносабат Москва оркали бўлар, таржимонлар ҳам «марказ»дан келар эди... Хуллас, халқаро таржимонликнинг машкини мустақиллик туфайли энди оляпмиз. Табиийки, муаммоларимиз ҳам оз эмас.

Тажрибали таржимон Шоазим Мунавваров билан замона кун тартибига тобора мухим килиб кўяётган ана шу мутахассисликнинг ўзига хос сир-синоатлари, муаммолари тўғрисида сухбатлашдик.

МАЪЛУМОТ: Шоазим Мунавваров Тошкент шаҳрининг Чақар маҳалласида туғилиб, вояга етган. Шу маҳалладаги 45-ўрта мактабни кумуш медаль билан тамомлаб, ТошДУнинг роман-герман тиллари факультетида ўқиган, француз тили ва адабиёти мутахассиси. Армони: «Қани энди ўзбек китобхонлари Бальзак, Гюго, Мопассан каби буюк француз адиблари асарларини она тилларида мутолаа қилсалар».

— Китобхонларимиз, ҳарқалай, бу ёзувчиларнинг асарларини ўз тилимизда ўқишмоқда, — дедим унга.

— Тўғри, — деди суҳбатдошим, — аммо гапнинг бир «лекини» бор. Бу адибларнинг асарлари тилимизга русча таржималар орқали кирган. Оврупо адабиётининг русча таржималари коммафкура чиғириқларидан ўтган, асарлардан бутунбутун эпизодлар олиб ташланган, кўпгина образли иборалар ва сўзлашувлар (диалоглар) қайта ишланган ва бошқа «тозалаш» тадбирлари ўтказилган. Мустақиллик шарофати билан **биз хорижий тиллардан бевосита ўзбек тилига таржима қилиш имкониятига эга бўлдик.**

МАЪЛУМОТ: Ш. Мунавваров бу борада ўзи ҳам амалий қадамлар қўйди. XX аср француз адабиётининг атоқли намояндаси Франсуа Мориакнинг «Илонлар чангалида» романини бевосита французчадан ўзбек тилига ўгирди. Шарл Перронинг деярли барча эртакларини ўгириб, «Она гоз эртаклари» номи билан болаларимизга кўркам китоб ҳолида тақдим этди.

У яна бошқа хайрли ишларни ҳам амалга оширди. Бухоро ва Хива шаҳарларимизнинг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан чиқарилган альбомларнинг французча нашрларини тайёрлади. Ҳозир французча-ўзбекча луғат устида ишлаётир.

— Таржимонлик фаолияти олис тарихий даврларда ҳам инсониятнинг маънавий камолотида салмоқли ўрин эгаллаган, — дейди Шоазим. Унинг айтишича, масалан, X – XII асрларда Испаниянинг Толедо деган шаҳрида Шарқ қўлёзмалари араб тилидан Оврупо тилларига таржима қилинган. Ал-Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Фаробий илмий тадқиқотлари мана шу шаҳар орқали бутун Оврупога тарқалган. Ёки Хоразмдаги Маъмун академиясида алоҳида таржимонлик бўлими фаолият кўрсатган. Ҳинд, юнон, лотин тилларидан араб ва форс тилига илмий-фалсафий манбалар ўгирилган.

Шундан кейин суҳбатимиз ҳозирги оғзаки ва синхрон, яъни нутқни нотиқ билан бир вақтнинг ўзида ва кетма-кет таржима қилиш масалаларига кўчди.

МАЪЛУМОТ: Шоазим Мунавваровнинг бу соҳада бир халқаро таржимонга яраша тажрибаси бор. У университетни тамомлагач, Гвенияда ва Жазоирда 6 йил мобайнида таржимонлик қилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин унга давлатлараро, вазирликлараро сиёсий, иқтисодий, маданий учрашувларда таржимонлик вазифасини бажариш насиб қилди.

— Давлатлараро таржимон қандай сифатларга эга бўлиши керак? — сўрадим ундан.

— Бундай таржимон атрофлича билимли, баланд савияли бўлиши шарт, — деди суҳбатдошим. — Энг аввало, ўз она тилини, миллий тарихи, урф-одатлари, маданий бойликларини яхши билиши лозим. Ундан кейин ўз таржимонлигига алоқадор халқнинг тарихи, турмуш тарзи, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти ва, албатта, тилини пухта ўзлаштирган бўлиши керак. «Атрофлича билим» деганимнинг сабаби тилмочдан ҳатто техник, тиббиёт каби соҳаларда маълумот талаб қилинади. Ҳозирги халқаро таржимонларимизда ана шу — умумий савия ҳозирча ўткир муаммолардан бири.

— Синхрон, яъни кетма-кет таржимонликда ҳам айрим ҳолларда шошқалоқлик ҳолатлари кўзга ташланиб қоляпти. Таржимон тактни сақламайди, нутқ нотиқ билан кетма-кетлик асосида эмас, балки деярли баравар таржима қилиши оқибатида гоҳида нутқ ва таржима (айниқса телеэкранда) бир вақтда эшитилиб, ҳеч нарсани тушуниб бўлмай қоляпти.

— Бундай жиддий нуқсон, афсуски, таржимонликда учраб турибди. Албатта, маҳорат, етуклик инсонга вақти билан келади. Ҳозирча тажрибасизлик, биз учун бутунлай янги бўлган халқаро сиёсий тилмочлик касбини чинакам эгаллаш йўлида табиий равишда учрайди.

— Бундай тилмочдан яна нималар талаб қилинади?

— Юқорида «такт», яъни таржимоннинг расмий вазиятда ўзини тута олиши тўғрисида гапирдик. Айни пайтда у ўша вазиятда ниҳоятда ҳушёр бўлиши, сўзлашаётган расмий намояндалар олдида беўхшов, номатлуб хатти-ҳаракатдан ўзини асраши, уларнинг ҳар бир гапсўзига зеҳн билан қулоқ тутиб, фикрни, маънони аниқ англаб олиши ва таржимада аниқ етказиши шарт.

Яна бир шарт шуки, таржимон ҳамиша озода юриши, дид билан кийинган бўлиши ҳам вазият талабларидан биридир.

СУҲБАТДОШИМДАН:

— Сўнгги йилларда юксак доираларда таржимонлик қилишингизга тўғри келди. Ҳар қалай, бундай даражалардаги таржимонлик осон бўлмаса керак, — деб сўрадим.

— Албатта, жаҳонга машҳур сиёсий арбоблар ёнида таржимонни алоҳида ҳаяжон босади. Ахир улар жаҳон миқёсидаги улкан шахслардир ва ўзаро мураккаб, жиддий масалаларни муҳокама қиладилар. Таржимон ўзини кўлга олиши, муҳокама этилаётган бу муаммоларни тушуниши ва фикр алмашувнинг дипломатик тилини тўла ҳис қиладиган маданиятга, савияга эга бўлиши лозим.

— Айтганингиздай, халқаро сиёсий таржимонлик бизда нисбатан янги соҳа. Мамлакатимизда бундай таржимонларни тарбиялаб етиштириш масаласи қандай ҳал қилиняпти?

— Таржимонларнинг ютуғи, муваффақияти аввало ўзларига, қобилиятларига боғлиқ. Таржимон — футболчига ўхшайди. Футболчи бир кун машқ қилмаса, малакасини йўқотади. Таржимон ҳам, ҳар куни, ҳар соатда ўз устида ишлаши керак.

Давлатимиз умуман юқори малакали кадрлар, шу жумладан таржимонлар тайёрлаш ишига катта аҳамият беряпти. Фарзандларимиз чет элларга юборилиб ўқитилмоқда. Ҳам ўша мамлакатларни, ҳам хорижий тилларни яхши ўрганиб қайтишади. Шунингдек, Тошкентдаги жаҳон тиллари университетида махсус таржимонлар курси очилган.

ТошДУнинг хорижий филология факультетида ҳам таржимон мутахассислар тайёрланмоқда. Хуллас, яқин йилларда бу жабҳада анча катта ўзгаришлар бўлиши аниқ.

— Таржимонлар — мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳон билан тиллашувида муҳим вазифани ўтайдилар. Бу эса шу соҳада меҳнат қилаётган ҳар қандай кишининг қалбига ғурур ва ифтихор бағишлайди, — деди суҳбатимиз сўнгида Шоазим.

«Халқ сўзи» мухбири Мухлис САФАР суҳбатлашди.

«ПГС» ФИРМАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
Иссиқда яшашни хоҳлайсизми?
КАЛОРИФЕРлар сотиб олинг
Тел.: (3712) 79-14-29, 79-38-54.
"С. Раҳимов" метро бекати.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази жамоаси «Маънавият» нашриёти директори Суннат Аҳмедовга акаси
Очил АҲМЕДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг жамоаси диктор Д. Бобохоновага онаси
ТЎҒОНОЙ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг ректорати, профессор-ўқитувчилари университет Маънавий ва маърифий бўлимининг бошлиги доцент Турғунҳўжа Тошпўлатовга ўғли
Анварҳўжа ТОШПЎЛАТОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0823, 34.723 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев.
Навбатчи — Х. Абдураҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машробоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.00 123456